O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**«Бизнинг жамиятимиз тез суръатлар билан ўзгаряпти. Одамлар маънавий улғайиш йўлида илдам қадам ташлаяпти. Бу — узоқни кўзлаган сиёсатимиз, эзгу мақсад йўлидаги интилишларимиз натижасидир».**

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 11-sentabr • Seshanba • 112 (27.757) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## Аскар хизматдан қайтди

*Дўстлик тумани Қосим Раҳимов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинида яшайман. Мактабни тугатгач, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига чақирилдим. Йигитлик бурчимни чегара қўшинлари таркибида ўтадим. Ҳарбий хизмат мен учун ҳам ҳар томонлама чиниқиш мактаби бўлди. Жанговар топшириқларни аъло даражада бажарганим, намунали хизмат қилганимни ҳисобга олиб, қўмондонлик олий ўқув юртига киришим учун тавсиянома берди.*

## ИМТИЁЗ ВА МАСЪУЛИЯТ

Болалигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қилардим. Шунинг учун ҳужжатларимни Жиззах давлат педагогика институти тарих факультетига топширдим. Билимим ва ҳарбий хизматни намунали ўтаган абитуриентларга бериладиган имтиёз туфайли давлат гранти асосида ўқиш ҳуқуқини қўлга киритдим.

Мамлакатимизда ёшларга берилаётган катта имтиёзлар зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Бу эътиборга яхши ўқиб, танлаган касбимизни пухта эгаллаш билан жавоб беришимиз лозим. Мен ўқитувчидек шарафли касбни эгаллаб, қишлоғимиз ёшларининг шу буюк Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишиши учун астойдил хизмат қиламан.

**Шавкат ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Жиззах давлат педагогика институти 1-курс талабаси**
**(ЎзА)**



## ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР

*Яккабоғдаги «ЭАУССЯ Яккабоғтекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бир йилда 2800 тонна ипкалава ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни вақтда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар Россия, Украина, Туркия, Германия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда. Чунончи, ўтган йили 2 миллион 532 минг долларга тенг миқдорда маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 2 миллион 500 минг доллар ҳажмида маҳсулот хориж мамлакатларига жўнатилди.*

*— Йил охиригача экспорт ҳажмини камида 4 миллион долларга етказиш ниятидамиз, — дейди корхона бош менежери Эшқувват Ашуров. — Корхонамизга чет эл инвестициясининг тўғридан-тўғри жалб этилиши айниқса яхши самара бермоқда. Шунинг эвазига замонавий жиҳозлар харид қилиб, маҳсулот сифатини оширяпмиз. Йил охиригача яна 500 минг долларлик инвестиция йўналтириб, келгусида экспорт салоҳиятимизни 6 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг даражага етказмоқчимиз.*



**Суратларда:** *смена бошлиғи Наби Исломов, йигирувчилар Башорат Кўлябова ва Камола Абдуллаева; тажрибали йигирувчи Моҳичеҳра Бердиева.*

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

**«Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли китобини чоп этди. Китобдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 август куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мамлакатимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси ўрин олган.**




Ушбу маърузада мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилган катта ютуқ ва натижалар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида ҳар томонлама чуқур ва атрофлича фикр юритилиб, Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли ҳар бири тарихимизда ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган алоҳида икки даврга ажратиб, таҳлил этилган.

Аввало, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган, том маънодаги тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлгани алоҳида таъкидланади. Китобда бу даврнинг бутун мураккаблиги ва зиддиятлари, янги жамият асосларини шакллантиришдаги беқиёс аҳамияти кенг ва батафсил очиб берилади.

Шу билан бирга, мустақил тараққиётимизнинг 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқичи — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлгани ҳам китобда ўзининг чуқур исботини топган.

Президентимиз ўз китобида бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратади.

«Фақат ана шундай сиёсатгина ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли мақсад-муддаоларимиз — Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш борасида зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин», деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Мазкур китобда баён этилган теран фикр ва хулосалар барча юртдошларимизни 16 йиллик тараққиёт йўлимизга яна бир бор назар ташлашга даъват этади. Она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати ва тилидан, қаерда, қандай вазифада ишлашидан қатъи назар истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларимиздан кўнгли тоғдай кўтарилиши, шу ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб қувониб, фахр-ифтихор билан яшаши табиий, албатта.

**(ЎзА)**

## ШОФИРКОНДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Мустақилликнинг 16 йиллиги шофирконлик билимга ташна ўқувчилар, касб-ҳунар эгаллашга интиқ ёшлар учун ўзига хос қўшалоқ байрам бўлди. Чунки Саврак қишлоғида фойдаланишга топширилган 630 ўқувчи ўрнига эга бўлган замонавий мактаб ҳамда Чандир қишлоғида қад ростлаган замонавий касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

— Шуниси қувончлики, — дейди туман ҳокими Идибой Жўраев, — бундан салкам ярим аср муқаддам қурилган мактабда таълим олганлар армони бугун ушалди. Етти ойда қад ростлаган янги мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Ҳа, бугун миллий меъморчилик анъаналари асосида шинам ва ҳавас қилса арзийдиган бу объектларни бунёд этиш ҳадисини олган «2-Вилоятжамоақурилиш» уюшмасининг Шофиркондаги 203-, Галаосиёдаги 47-кўчма механизациялашган жамланмалари ишчи-ходимларидан ҳамма хурсанд.

— Туманимизда истиқлол йилларида қурилган коллежлар сони 4 тага кўпайди, — дейди ЎзХДП фаоли Абдувоҳид Асадов. — Бу эса юртимизда ёшларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги намунасидир.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Муносабат**

## МАСЪУЛИЯТ ВА ВАКОЛАТ ЧЕГАРАСИ

«XXI АСР» ГАЗЕТАСИНИНГ ШУ ЙИЛ 6 СЕНТЯБРЬ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «СИЁСИЙ МАВСУМ: МАСЪУЛИЯТ ВА МАНФААТДОРЛИК ЧЕГАРАСИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ БИЛАН КЕЛИШИБ БЎЛМАСЛИГИ ҲАҚИДА

**Мамлакатимиз сиёсий майдонидаги бугунги аҳволни бундан 10-15 йил олдинги ҳолатга қиёслайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз катта ўзгаришлар бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Мустақил Ўзбекистон сиёсий майдонига бешта сиёсий партия чиқди. Уларнинг ҳар бири ўз дастури, ғояси, электоратини аниқ белгилаб олди. Аммо сиёсий фаоллик, у ёки бу масалада қатъий позиция, ташаббускорлик ва амалий ишларимиз ҳали талаб даражасида эмаслиги сир эмас. Ҳаёт эса сиёсий партиялар олдига тобора муҳим, масъулиятли вазифаларни кўндаланг қўймоқда.**

**«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши Юртбошимиз таъкидлаганидек, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнайди. «... сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситага айланиши алоҳида аҳамият касб этади».**

**Ушбу Қонун доирасида сиёсий партияларга берилаётган имконият кўлами, масъулият юкини аниқ тасаввур қилиш учун чуқур ўйлаш, фикрлаш керак бўлади, албатта. Сиёсий партиялар ўз дастурлари ва иш режаларини қайта кўриб чиқиши, аниқ вазифаларни белгилаб олиши, бу жараёнда сиёсий баҳс-мунозара, кураш кучайиб бориши турган гап. Шу маънода «XXI аср» газетасида сиёсий баҳсга киришишга бўлган ҳаракатни табиий ҳол, деб тушунамиз. Аммо биз «Сиёсий мавсум: масъулият ва манфаатдорлик чегараси» сарлавҳали мақоладаги баҳс услуби ва ундаги айрим фикрлар билан келишиб бўлмаслиги ҳақида ўз қарашларимизни билдирмоқчимиз.**

2-бет

**Мен нега ХДПни танладим?**

## ЮРТ ФАХРИ ВА ИФТИХОРЛАРИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси меҳнаткашлари — Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза Маҳкамов, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиблари Миновар Маллаева, Юсуф Зиёев ҳамда «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори Холмўмин Хўжамуродовлар ХДП аъзолари бўлишди.



**Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастури ва ғояларини, мақсад-муддаосини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, амалий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу боис, партиямизга аъзо бўлиш истагини билдираётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.**

2-бет

# МАСЪУЛИЯТ ВА ВАКОЛАТ ЧЕГАРАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Сиёсатда, ўзаро муносабатларда, ҳатто энг яқин дўстинг билан муомалада ҳам маънавий ҳақ-ҳуқуқинг, ваколатинг доирасида гапиришга ҳаракат қиласан. Бировга ақл ўргатишдан олдин «Ўзим нимани қойиллатиб қўйдим, устун томонларим борми?», — деб ўйлайсан. Ҳар ҳолда булар дипломатия, маданий, инсоний фазилатларнинг оддий кўринишлари.

«XXI аср» газетасида эълон қилинган мақола сарлавҳасининг ўзиёқ кишини таажжубга солади: **«Сиёсий партияларнинг сайловлар оралиғидаги фаолияти хусусида айрим мулоҳазалар».** Кўраяпсизми, **«Сиёсий партиямизнинг»** эмас, **«Сиёсий партияларнинг».**

Табиий савол туғилади: масаланинг бундай тарзда қўйилиши, бир сиёсий партия газетасида бошқа сиёсий партиялар олдида турган вазифаларнинг «белгилаб берилиши»ни қандай изоҳлаш мумкин?

Тўғри, ҳар бир сиёсий партия бошқа сиёсий партиялар дастури, фикри, ғоялари, хатти-ҳаракатига нисбатан муносабат билдириши, баҳс-мунозарага киришиши, табиий ҳол. Бундан жамият фақат фойда кўради. Лекин ўзини гўё бош партиядек ҳисоблаш, ҳаммадан юқори туриб, бошқаларни назорат қилишга мойиллик сезиш, ўзини энг доно, энг кучли, энг керакли, деган кайфият таъсирига тушиб қолиш — булар соғлом фикрлилик чегарасидан ташқаридаги ҳолатлар эмасми?

Мақола муаллифи «йўқ, мен ундай демоқчи эмасман» дея эътироз билдириши мумкин. Унда ўз мақсадингизни ўзингиз тушунтириб беринг. Масалан, **«... бундай нуқсонлар мамлакатимиздаги аксарият сиёсий партияларга хос бўлиб, улар ўзларининг жойларда обрў-эътибор топишига, энг ёмони — партиянинг ғоя ва мақсадлари маълум бир «фаоллар» орасидагина қолиб кетишига сабаб бўляпти»,** деган сўзларни қандай қабул қилиш мумкин?

Аксарият партияларга бундай умумий тарзда баҳо беришга қайси партия нашрининг ваколати бор, бундай ҳукм чиқариш қайси қоидага мос келади?

Қолаверса, айнан шу айтилган масалаларда партиялар бир хил аҳволда эмас, улар ўртасида озми-кўпми фарқланишлар бор-ку! Ваҳоланки, ХДПда қанча бошланғич ташкилот борлиги, қандай тадбирлар ўтказилаётгани, аъзолик бадаллари тушуми ҳақида мақола муаллифида маълумот бормикин, бу маълумотларни бошқалар билан, ҳеч бўлмаса O‘zLiDeP бошланғич ташкилотлари билан қиёслаб кўрганмикин?

Яна бир мисол: **«Биз фақат ҳар қандай сиёсий партия муваффақиятсизликларга, қийинчиликларга қарамай, курашни давом эттириши керак, деган фикрни билдирмоқчимиз холос».** Нима бу, ўқитувчи мактаб ўқувчиларига тушунтираяптими ёки «доно» бир партия тажрибаси йўқ ёш партияларга ўргатмоқдами? Ваҳоланки, одам бирор ишда намуна кўрсатиб, бошқалар томонидан очиқ эътироф этилиб, тан олинган бўлса, бундай тарзда гапиришга ҳаққи бўлади. Кимнинг қандай кучи борлиги, сайловлар, депутатлари сони — бу алоҳида мавзу... Фақат холис, ҳақ гап айтилса, айтишга маънавий ҳаққимиз, ҳуқуқий ваколатимиз бор гап айтилса, ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз.

Мақолада **«...фуқароларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш, улар томонидан демократик қадриятлар пухта ўзлаштирилишида партиялар фаолияти бирламчи ўрин тутади. Бу эса фуқароларни сиёсий ўқишларга жалб этиш, уларнинг сиёсий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш жараёнлари билан ҳам боғлиқдир»** дейилган. Хўш, нима қилиш керак? Бу ҳақда бирон-бир аниқ таклиф берилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясида 2006 йилда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими жорий этилиб, унинг доирасида республика, вилоят, туман ва шаҳарлар даражасида машғулотлар режали тарзда мунтазам олиб борилмоқда. Ушбу машғулотларда партия аъзолари билан бирга электорат вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар.

Муаллифнинг мана бу фикрига ҳам бизнингча қўшилиб бўлмайди. **«Партиялар фаолиятидаги яна бир катта камчилик шундаки, улар эртанги кун эгалари бўлган ёшларга етарлича эътибор қаратмаяптилар. Уларга партиянинг ғоя ва мақсадларини етказишга унчалар шошилмаяптилар. Бошқача айтганда, уларни ўз ғояларига эргаштириш гўё иккинчи даражали масала сифатида кўрилаётгандек... жамиятнинг мустақил фикрловчи ёш авлодини шакллантиришда ҳам партиялар ўз зиммасидаги масъулиятни ҳис этишлари шарт».**

Қаранг, гўё ҳамма партиялардан баланд турган аллақандай бир бошқа ташкилот овози юқорироқдан келаётгандек. Қолаверса, бу фикр худди томдан тараша тушгандек ҳеч бир таҳлилсиз айтилмоқда. Эҳтимол, мақола муаллифи ўз партиясида нимани кўрса, бошқаларда ҳам аҳвол шундай бўлса керак, деб ўйлаётгандир? Шу ўринда бир мутафаккирнинг: **бизни яхши билмай туриб, биз ҳақимизда гапирадиган одамлардан хафа бўлманг, чунки уларнинг гапи бизга эмас, ўзининг тасаввуридаги шарпага тааллуқлидир** деган сўзлари ёдга тушади.

Мақола муаллифининг ёшлар ҳақидаги фикрлари бундан тўрт-беш йил илгари айтилса, мавриди бўларди. Ҳозир эса ҳақиқий вазият бошқачароқ. Масалан, ХДП қошида 2005 йили «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил этилиб, ушбу тузилма қисқа даврда ёшлар ўртасида партия ғояси ва дастурларини тарғиб қилиш, ёшлар муаммоларини ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширишга улгурди. Аммо бу борада ҳали унинг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигини доим таъкидлаб келамиз.

Мақоладаги қуйидаги насиҳатлар ҳам кишини ҳайрон қолдиради: **«Минг-минглаб сайловчиларнинг ишончи ҳақида баландпарвоз мулоҳазалар билдираётган партиялар раҳбарлари, жойлардаги фаоллар, борингки, фаолияти унчалар кўринмаётган бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари жиддий хулосалар чиқаришлари лозим».**

Бу кўрсатмани қандай тушунмоқ керак? Бу гаплар бирор-бир бошқа ташкилот томонидан билдирилса, бошқа холис нашрда босилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмиди?

Мақола муаллифи ўз фикрини давом эттириб, шундай дейди: **«Бундай фикрни сиёсий партияларнинг нашрлари ҳақида ҳам билдириш мумкин. Улар ўз партияси ҳаётини тўлақонли ёритолмаётганини таҳлилчиларимиз бежиз таъкидламаётирлар».**

Бизнингча аввало бир масалага эътибор қаратиш лозим: партия нашрларида партиявий мавзудан узоқлашиш кузатилаяптими ёки яқинлашишми? Назаримизда, яқинлашиш кўпроқ сезилмоқда. Партия мавзусига эътибор ошмоқда, партия лидерлари, депутатларнинг чиқишлари кўпаймоқда. Тўғри, бу ўзгаришлар талаб даражасида эмас. Аммо бу камчиликларни ким, қаерда айтиши керак?.. Ҳар ҳолда бир партия вакили ҳамма сиёсий партиялар фаолиятига бу тарзда баҳо бериб, улар олдига ўзича вазифалар қўйиб чиқиши сиёсат қонун-қоидаларига ҳам, демократиянинг ҳеч бир тамойилига ҳам тўғри келмаса керак.

Халқда «ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», деган ҳикмат бор. Бу сўзлар чуқур, кўп қиррали маънога эгалигини англаш қийин эмас, албатта. Мақола муаллифи «даҳо»лигини яна давом эттириб, ҳеч ўйламай-нетмай, шундай дейди: **«2004 йилдан бери ўзини O`zLiDePга мухолиф деб атаётган Халқ демократик партияси бирон-бир аниқ ва арзирли масалада мухолиф партия эканини амалда кўрсатмагани, парламент у ёқда турсин, оддий сайловчилар орасида ҳам бежиз таъкидланмаяпти».**

Яна такрорлашга тўғри келади: бундай баҳо беришга кимнинг ваколати бор? Ҳар ҳолда бирор-бир сиёсий партия бошқа партия ҳақида бундай хулосани айтиш ваколатига эга бўлмаса керак.

Қолаверса наҳотки, ХДП **«бирон-бир аниқ ва арзирли масалада»** ҳеч иш қилмаган бўлса?!..

ЎзХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор қонунлар лойиҳалари бўйича ўз таклифларини билдириб келмоқда. Агар мақола муаллифи бундан бехабар бўлса, ўнлаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Фракция йиғилишларида ижтимоий соҳага масъул вазирликлар ҳисоботлари эшитилди. Хусусан, фракциямиз ташаббуси билан Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида ҳукумат вакилининг кузги-қишки мавсумга тайёргарлик бўйича ахбороти тингланди.

2006 йилдан буён ЎзХДП вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари қошида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналарига жорий йилнинг июнь ойигача бўлган муддат ичида 7 мингга яқин ариза ва шикоятлар тушди. Уларнинг қарийб 70 фоизига ёрдам кўрсатилди, қолганларига ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар берилди.

Бу мисолларни мақтаниш ёки ҳисобот бериш учун келтираётганимиз йўқ, албатта. Биз ўз вазифамизни қойиллатиб бажараяпмиз, деб даъво қилиш фикридан ҳам йироқмиз. Фақат, **«бошланғич партия ташкилотларидаги сокинлик», «ҳудудий ташкилотларнинг ҳаракатсизлиги», «Байрамларга бағишлаб ўтказилган қайси бир тадбирни олмайлик», албатта, биронта партия ҳам бўлади. Халтачасида совғаси билан. Кейин эса яна жимжитлик ҳукм суради»** каби умумий, юзаки баҳолар билан келишиб бўлмаслигини айтмоқчимиз.

Партиялар ўртасида баҳс-мунозара юзаки, сохта даъволар билан эмас, балки чуқур таҳлил, аниқ маълумотлар асосида бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Сиёсий партиялар чиқишларида манманлик, ўзига ортиқча баҳо бериш, бошқаларга устозликка даъвогарлик кайфияти соғлом баҳс-мунозарага хизмат қилмайди. Аксинча, жамоатчиликда нотўғри, нохуш таассурот қолдириши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақил мамлакатимизнинг илк сиёсий партияси сифатида юртимиздаги бошқа партияларга нисбатан кўпроқ синовдан ўтган, тажриба тўплаган сиёсий куч. 2005 йилда Қонунчилик палатасида O‘zLiDeP, «Фидокорлар», «Адолат» фракциялари бирлашиб, Демократик блокни тузгач, қуйи палатада партия фракцияси аъзолари сони жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллаган ЎзХДП парламент озчилиги мухолифати вазифасини ўз зиммасига олди. Ўтган икки ярим йил орасида ЎзХДП оппозицион партия сифатида ташкилий–ҳуқуқий жиҳатдан шаклланди. Бизнинг йўлимиз тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши бизга катта имкониятлар яратди.

Бугун ХДП мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти сифатида ўз йўли, ўз мақсад-муддаоси ва электоратини аниқ-равшан белгилаб олган. Партиямиз бозор иқтисодиёти шароитида энг нозик, энг оғриқли муаммо — аҳолининг ижтимоий мададга муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Барча саъй-ҳаракатлар ана шу вазифа ижросига йўналтирилмоқда. ХДП ўз зиммасидаги юк залвори ва қилинадиган ишлар кўламини чуқур ҳис этади, сайловчилари, электорати ҳамда тарафдорлари ишончини оқлаш, мамлакат сиёсий майдонида етакчи куч бўлиш учун курашади. Бу осон иш эмас... Бугун кечагидан ўн карра, юз карра кўпроқ меҳнат, фидойилик, ташаббускорлик, амалий ишлар талаб этилади. Ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, камчиликларни бартараф этиш чораларини аниқ белгилаб олишимиз керак бўлади. Бу борада сиёсий партиялар ўртасида баҳс-мунозара, кураш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу кураш, баҳс-мунозара, энг аввало, асосли, холис ва конструктив бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Орзу ШЕРОВ**

# ЮРТ ФАХРИ ВА ИФТИХОРЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзининг асосий ижтимоий таянчи манфаатларидан келиб чиққан ҳолда республикамизда кучли ҳуқуқий демократик давлат, инсонпарвар, адолатли жамият қуришнинг изчил тарафдори бўлган ҳамда бош мақсади юртимизни ривожланган давлатлар қаторида кўриш ва ҳар бир шахснинг ишончли ижтимоий ҳимояси, халқ фаровонлигини кўзлаб фаолият юритаётган партиямиз ўз сафига кўплаб кишиларни бириктирмоқда. Шунингдек, партиянинг тарафдорлари ва унга ҳайрихоҳлар сони ҳам сезиларли даражада кўпаймоқда.

Ўз сафида 3 минг 200 нафар аъзоларни бирлаштирган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Денов туман кенгаши мустақилликни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига асосланган кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек шарафли ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш мақсадида талай эзгу ишларга бош бўлмоқда. Буни кенгашнинг тўқсондан ортиқ бошланғич партия ташкилотларида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туман партия кенгаши «Ижтимоий ҳимоя йили»да хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, меҳнат бўлими, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказмоқда. Бу амалий ишлар партиядошлар сафини кўпайтиришда ўзига хос ўрин тутмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси жамоасининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари партиямиз Дастур ва Устави билан танишиб чиққач, партия сафига қабул қилишни сўраб, мурожаат қилишди. Қувонарли томони шундаки, улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза Маҳкамов, «Фидокорона хизматлари учун» ордени нишондорлари Юсуф Зиёев ва Миновар Маллаева, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Холмўмин Хўжамуродов ҳам бор.

Яқинда корхонада уларга аъзолик гувоҳномалари топшириш муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

— Сафимизга шундай жонкуяр, ўз ватани ва халқини ардоқловчи муносиб кишиларнинг қабул қилиниши партиямиз нуфузини янада оширади, — дейди тантанада сўз олган **туман партия кенгаши раиси Абдуолим Бўриев.** — Қолаверса, бу партиямизнинг тарафдорлари ва хайрихоҳлари ўсиб бораётганининг яна бир далилидир.

— Ушбу партияни танлашимга асосий сабаб, унинг ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳож фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият юритаётганида, — дейди **Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза Маҳкамов.** — Ўз мақсадларини амалга ошириш учун партия кўп болали оилалар, ногиронлар, кам таъминланганлар, пенсионерларнинг бозор иқтисодиёти шароитида айрим қийинчилик ва муаммоларга дуч келишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг эҳтиёжларини ўрганиб чиққан ва бу муаммоларни бартараф этиш борасида аниқ дастурга эгадир.

Партия меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан тўлиқ таъминланишини энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Ишсизликни бартараф этишга алоҳида ёндашади. Шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари билан ҳам бевосита ҳамкорликда фаолият кўрсатишга кенг эътибор қаратган. Шу боис ХДПнинг бу борада олиб бораётган фаолияти менга жуда маъқул бўлди.

**Миновар МАЛЛАЕВА, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби:** — Ўтган 16 йилда мамлакатимизда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Буни нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам эътироф этишмоқда. Мен ХДП сафида туриб мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларда, сиёсий курашларда фаол қатнашмоқчиман.

— Дарҳақиқат, — суҳбатни давом эттиради **«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Холмўмин Хўжамуродов,** — юртимизда айниқса ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда 30 ёшга тўлдим. Юртбошимиз мени шундай юксак мукофотга лойиқ топибдими, демак буни ўз меҳнатим билан оқлашим даркор. Шу юртнинг эртаси учун янада самаралироқ меҳнат қилиш фуқаролик бурчим, олий инсоний вазифам бўлиши лозим. Тўғриси, аввалига кўп ўйладим. Қайси партия маъқул, қай бири ишончимни оқлайди? Бир тўхтамга келгач, ХДПни танладим.

**Юсуф ЗИЁЕВ, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби:** — Эркин, демократик жамиятда ҳар бир киши ўз хоҳиши билан партияларга аъзо бўлиши мумкин. Мен ҳам аввал кўпгина сиёсий партияларнинг Низом ва Дастурлари билан танишдим. Сўнг ХДПга аъзо бўлсам, айни муддао бўларкан, деган қатъий хулосага келдим. Электоратнинг кўпчилиги оддий, элпарвар, мамлакат келажагини яратувчилар... Шулар сафида бўлиш мен учун ҳам бахт.

**Холиқул БЕРДИЕВ, бошланғич партия ташкилоти раиси:** — Истиқлолнинг 16 йиллиги корхонамиз учун омадли келди. Бир гуруҳ ишчиларимиз ҳукумат мукофотларига сазовор бўлишди. Бугун улардан беш киши партия сафига қабул қилинди. Жамоамиздан яна 15 нафар киши ариза берган. Эртаиндин улар ҳам сафимизни тўлдиради.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз олдига қўйган мақсад сари фаол ҳаракат қиляпти, шунга яраша натижаларга ҳам эришмоқда, — дейди **Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, кекса педагог Ҳайдар Раҳимов.** — Юрт қаҳрамони, юксак орденлар соҳибларининг партиямизга аъзо бўлишлари ҳам бунинг ёрқин исботидир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Суратда:** *ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Абдуолим Бўриев (чапдан иккинчи) партия сафига қабул қилинган янги аъзолар билан.*

**Асқар АБДУРАИМОВ олган сурат.**

## ЭЪТИБОР ВА МЕҲР ОҒУШИДА

**Мамлакатимизда байрам шодиёналари давом этаётган айни кунларда Янгиер шаҳридаги «Саховат уйи»да «Улуғбек» масъулияти чекланган жамияти томонидан байрам дастурхони ёзилиб, қарияларга кийим-кечак, дори-дармон ва эсдалик совғалари топширилди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси вакиллари бир неча қарияга ногиронлик аравачаси совға қилди.**

— Фақат байрамларда эмас, йил давомида саховатпеша инсонлар совға-саломлар билан йўқлаб, ҳолимиздан хабар олиб турибди, — дейди Ҳасан ота Мамадалиев. — Меҳр-мурувватдан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Бу ерда ҳеч нарсага эҳтиёж сезмай яшашимиз учун барча шароит яратилган. Кексаларни қадрлаб, ғамхўрлик кўрсатаётган ҳукуматимиздан, савобталаб, мурувватли ҳамюртларимиздан беҳад миннатдормиз.

**Д. ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**








*Суратларда: поликлиника фаолиятидан лавҳалар.*
**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.**

**Эл соғлиги — юрт бойлиги**

## АҲОЛИГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Самарқанд шаҳрида кўп тармоқли диагностика маслаҳат поликлиникаси фойдаланишга топширилди.

*Ушбу тиббий марказ илгари вилоят болалар стоматология поликлиникаси сифатида қурилиб, кейин тўхтаб қолган бино ўрнида қад ростлади. Иншоот вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Ўзбекнефтгаз» ва «Ўзбекэнерго» ДАК ҳомийлигида барпо этилди.*

*Шаҳарда ҳозир 3,6,8 ва 12-поликлиникалар синов тариқасида оилавий поликлиника сифатида фаолият олиб бормоқда. Беморларга аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволанишни ташкил этиш мақсадида вужудга келган диагностика поликлиникаси эса энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. 72 нафар олий ва биринчи тоифали шифокор, 74 нафар ўрта тиббиёт ходимлари беморларга малакали хизмат кўрсатишаяпти.*

*— Шаҳар аҳолиси орасида бундай марказга кўпдан буён эҳтиёж бор эди, — дейди поликлиника бош шифокори Бахтиёр Рустамов. — Айни пайтда бу ерда 116072 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш режалаштирилган. Жумладан, поликлиникамиз шаҳардаги 36025 нафар болалар, 27062 нафар фертил ёшидаги аёлларни қамраб олади. Мақсадимиз — аҳоли сиҳат-саломатлигини кўнгилдагидек муҳофазалаш, тиббий хизмат турларини кўпайтириш ва улар самарадорлигини янада ошириш.*

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 11 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1049,07 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2569,19 |
| 1 Дания кронаси | 233,12 |
| 1 БАА дирхами | 346,72 |
| 1 АҚШ доллари | 1273,45 |
| 1 Миср фунти | 225,65 |
| 1 Исландия кронаси | 19,83 |
| 1 Канада доллари | 1210,39 |
| 1 Хитой юани | 168,79 |
| 1 Малайзия ринггити | 363,58 |
| 1 Польша злотийси | 454,74 |
| 1 СДР | 1950,84 |
| 1 Туркия лираси | 981,99 |
| 1 Швейцария франки | 1055,40 |
| 1 ЕВРО | 1735,84 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,58 |
| 10 Япония иенаси | 110,13 |
| 1 Россия рубли | 49,68 |
| 1 Украина гривнаси | 252,17 |

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Спорт



# ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

**Мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳри бир ҳафта мобайнида катта спорт байрамига мезбонлик қилди. «Тошкент» теннис марказида навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди.**

Таъкидлаш керакки, Тошкентда олтинчи марта шундай нуфузли мусобақа уюштирилди. Бу бежиз эмас албатта. Сабаби, мамлакатимизда ажойиб теннис кортлари бор, халқаро мусобақалар ўтказиш борасида етарли тажрибага эгамиз. Истеъдодли спортчилар камол топаётир.

Қитъанинг йигирмадан ортиқ давлатидан ташриф буюрган ракетка усталари ғолиблик учун кортга чиқишди. Ушбу мусобақанинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айниқса, қитъа чемпионлигини қўлга киритган теннисчиларга дунёдаги йирик турнирларга йўлланма берилиши унга бўлган қизиқишни янада орттирмоқда. Қолаверса, мукофот жамғармасининг юқори эканлиги ҳам кучли теннисчиларни Тошкентга чорлади.



Қизғин кечган мусобақалар мухлису мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Вакилларимиз Осиё чемпионатининг дастлабки кунидан ғолибликка асосий даъвогар эканликларини кўрсатишди. Уларга катта ишонч билдирилганди. Вакилларимиз ишончни оқлади. Ҳамюртларимиз Ирода Тўлаганова билан Денис Истомин Осиё чемпионлари бўлишди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими ҳам байрам тусини олди. Тошкентда ўтган ажойиб учрашувлар, қизғин баҳсларни унинг қатнашчилари ва меҳмонлар узоқ вақт эслаб юришлари табиий.

**Равшан ШОДИЕВ.**

**Суратларда**: мусобақа ғолиблари ва ўйиндан лавҳа.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

Сабоқ

# БУГУНГИ КУННИ ЭЪЗОЗЛАБ ЯШАЙЛИК

Азал-азалдан нур билан соя, яхшилик билан ёмонлик, орзу ва армон ёнма-ён юради. Биз катталарнинг чекига эса кўпроқ шу сифатларнинг номақбул томонлари тушган экан. Сабаби — ёшлигимиз иккинчи жаҳон уруши даҳшатларига тўғри келган. Ўша изтиробларни, хўрлигу қайғуларни, айниқса, очлик азобларини эсласам... титраб кетаман. Одам зотининг шунчалар оғир ситамларга бардош берганига ишонгинг келмайди.

...Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша мудҳиш кунларнинг бирида муаллимимиз бизларни етаклаб нон дўконига олиб борди. У ерда нон ҳиди димоққа уриб турса-да, бебаҳо неъмат кўринмасди. Шу пайт дўкончи амаки сариқ қоғозга ўралган нарсани устозимизга узатди. У киши раҳмат айтиб кўчага чиқди. Устознинг кайфияти жуда баланд эди. Кўзларимизга бир-бир қараб олгач, шивирлаб:

— Болалар, нонли бўлдик, юринглар, нонушта қиламиз, — деди. Қувонганимиздан қийқириб юбордик.

Анҳор бўйида ўтириб, сув билан нон еганимиздаги таъм ҳали-ҳануз оғзимда. Эсласам, кўзимга ёш келади...

Эртаси куни саҳарда бизга ризқ берган ўша амакининг дўконига яна бордим. Асосан хотинларгина навбат кутишарди. Мен қирқинчи киши бўлиб навбатга турдим.

Форма кийган киши навбатни назорат қилиб турар, тўртта-бешта одамнигина дўконга киритарди. Биров бир, бошқаси ярим буханка нон олиб чиқарди. Навбат менга келди. Ичкарига кирдим. Аммо нон етмади. Дўкончи менга, мен у кишига термулдим. Кўзларим тўла ёш. Уйда укаларим, касалманд отам нон кутиб ўтирганини ҳис этишнинг ўзи азоб эди.

Аҳволимни тушунган дўкончи одамлардан бекитиб олиб қўйган ярим буханка нонни менга берди. Шу-шу у одам кўзимга худди ҳизрдек кўринадиган бўлиб қолди.

Бир куни сотувчи амаки қайси мавзеда туришим билан қизиқди. «Себзор»данлигимни, оиламиз катталигини, укаларим ҳали жуда ёшлигини, отамнинг хасталиги-ю онамнинг колхозда ишлашини айтиб, йиғлаб юбордим. У одам секин ёнимга келди-да, елкамдан қучди.

— Қўй, йиғлама. Ҳали яхши кунлар келади. Ўшанда бу азобларни унутиб юборасан, — деди-да қўлимга тугун тутқазди. — Мана буни олиб кет, талқон қилиб ерсизлар.

Қарасам у пештахта устидаги нон ушоқлари экан. Ўшанда қанчалар қувонганлигимни билсангиз эди. Ахир мен шу куни жуда бахтли эдимда.

Бу лавҳаларни қоғозга туширяпману дўкончи амакининг «Ҳали яхши кунлар келади» деган таскини, тилаги, ишончи қулоғим остида ҳамон жаранглайди. Ўша машъум кунларни кўрган инсон сифатида бугунги нурли, ёруғ ҳаётимизга шукрона айтаман. Ва бугунги тўкин дастурхонимизни безаб турган турли хилдаги нонларимизни юз-кўзимизга суртгим келади. Кексаларимиз бежиз «Ноннинг ушоғи ҳам нон» дейишмаган. Шунинг учун ўтган кунлар сабоқларидан хулоса чиқариб, нонимиз бутун бугунги кунларни эъзозлаб яшайлик.

**Юнус ЗИЁДОВ,**
**фахрий журналист.**


**Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади**

| Капитал қурилиш бўйича директор ўринбосари | Инженер-механик | Инженер-энергетик | Электрик |
|---|---|---|---|
| — Қурилиш бўйича олий маълумотли; — Қурилишдаги иш стажи — камида 5 йил; — Раҳбарлик иш тажрибаси — камида 3 йил; — Ёши 30 дан 40 гача бўлиши лозим; — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори. | — Олий техник маълумотли; — Иш стажи — камида 10 йил; — Юк кўтариш механизмларини, гидравлик прессларни аъло билиши; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши лозим; — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори. | — Олий маълумотли; — Мутахассислик бўйича иш стажи — камида 5 йил; — ГПК крани электр қисмларини, гидравлик прессларни аъло билиши; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак; — Маош — 300 000 сўмдан юқори. | — Ўрта махсус маълумотли; — Иш стажи — камида 5 йил; — Ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак; — Маош — 200 000 сўмгача. |

Маълумотлар учун телефон: 187-17-11, 58-75-94, 58-75-96.
Номзодлар сўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факс орқали юборишлари керак: (99871) 150-01-11, 150-11-55.
E-mail: CHERMETGROUP@ POSTBOX. UZ


Халқаро анжуман

# ЮБИЛЕЙ МУНОСАБАТИ БИЛАН

**Ўтган ҳафта мамлакатимизда Фарғона водийсининг гавҳар шаҳри бўлмиш Марғилоннинг 2000 йиллигига бағишланган тантаналар кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Куни кеча ушбу қутлуғ сана муносабати билан Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференцияси шўъбаларга бўлинган ҳолда Тошкент шаҳрида давом этди. Унинг «Фарғона манбалари ва манбашунослиги» мавзуидаги йиғилиши Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтди.**

— Марғилон асрлар давомида Фарғона водийсининг муҳим иқтисодий, маъмурий маркази сифатида жаҳон цивилизациясида алоҳида ўрин тутган, — дейди тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабов. — Унинг тарихий хусусиятлари ҳақида гап кетганда, Марғилоннинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганига эътибор қаратиш жоиз. Иккинчидан, бу шаҳар дунёга машҳур алломалар, санъаткору ёзувчи-шоирларни берган диёрдир. Яна Марғилон қадим-қадимдан ҳунармандлар юрти ҳам ҳисобланади.

Конференция давомида ўрта асрлар қўлёзма манбаларида Марғилон ва Фарғона водийси шаҳарлари, Бурҳониддин Марғиноний, унинг «Ҳидоя» асари, Ёқут ал-Ҳамавийнинг асарларида Фарғона ва фарғоналик олимлар ҳақида, Францияда олиб борилаётган Марказий Осиё мамлакатлари тарихига бағишланган илмий тадқиқотлар ва бошқа мавзуларда сўз борди. Шунингдек, ушбу илмий анжуман ишида юртимиз олимлари қаторида хорижлик таниқли археолог, тарихчи ва мутахассислар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этишди.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# «ШАРҚ ЗИЁКОРИ»НИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ

Марғилоннинг 2000 йиллик муборак тўйи муносабати билан шаҳарда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли «Шарқ зиёкори» очиқ акциядорлик жамиятининг китобхонлар ва сотувчилар учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий китоб маркази очилди. Кенг ва чиройли заллардаги пештахталардан янги илмий-маърифий, бадиий китоблар, дарсликлар, ўқув методик қўлланмалар ўрин олган мазкур янги марказ шаҳарликларга муносиб туҳфа бўлди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов, янги китоб маркази раҳбари Муаззамхон Бобораҳимова ҳамда китобхонлар сўзга чиқиб, марказ келажакда шаҳар ёшлари маънавий-маърифий салоҳиятини оширишга хизмат қилажагини таъкидладилар.

Ўзбекистон халқ шоирлари Охунжон Ҳаким, Тўлан Низом, Иқбол Мирзо йиғилганларга янги шеърларидан ўқиб бердилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов, Мамасиддиқ Ширяев раҳбарлигидаги аскиячилар гуруҳи ҳамда шаҳардаги 23-мактаб ҳаваскор ўқувчилар дастаси томонидан тайёрланган бадиий дастур тадбирга файз бағишлади.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ҚАРШИДА ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР МАРКАЗИ

**Қарши шаҳри марказида ўзининг замонавийлиги ва муҳташамлиги билан ажралиб турувчи Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази иш бошлади.**

— Бугун ўғил-қизларимизга яратилаётган бу каби эътибор ва ғамхўрлик эртанги кунимизнинг мазмун-моҳиятини белгилайди, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёти институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муродилла Нормуродов. — Ҳозир вилоятда 30 ёшгача бўлганлар сони тахминан 1,5 миллион нафарни ташкил этади. Шундай экан, уларнинг орзу-ўйлари, режаларининг рўёбга чиқишига кўмаклашиш, илм чўққиларини эгаллашларида бундай марказларнинг аҳамияти катта...

— Кўпдан буён изланувчан, фидойи ёшларимиз учун мана шундай марказ бўлишини орзу қилардик, орзуимиз ушалди, — дейди «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши раҳбари Исомиддин Аброров. — Бу ерда 250, 80 ўринли катта ва кичик зал, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими, инновация ва илмий-техникавий ижодиёт, ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, касбга йўналтириш ва хориж тилларини ўрганиш, ахборот-ресурс марказлари, кутубхона ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳам ёшларимизга катта имконият.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими етакчиси Камолиддин Бекназаровнинг айтишича, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган танловлар вилоятда иқтидорли ёшларни кашф этишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Ушбу марказнинг очилишига бағишланган тадбир доирасида «Келажак овози» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


# АТ «ПАХТА БАНК»

ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ БЎЛГАН СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!







*Бугунги кунда республикамиз бўйлаб ўрнатилган 2400 дан зиёд терминаллар орқали «Сўм пластик карточка» билан Сиз ўз ҳисобингиздаги маблағлардан коммунал хизматлар учун тўловларни, барча турдаги солиқлар, почта, телефон, телеграф ва интернет алоқаларидан фойдаланганлик учун тўловларни, йўлкира ва юк ҳақлари (самолёт, поезд, метрополитен)ни, шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини амалга оширишингиз мумкин.*

*Шунингдек, умумий овқатланиш жойлари — ресторан ва кафеларда, маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, савдо дўконлари ва турғун савдо шохобчаларида ҳисоб-китоб тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга ошириш имконияти мавжуд. Пластик карт ҳисоб рақамингиздаги қолдиқ маблағингизга кунлик фоиз ҳисобланади ва ҳар ойида капитализация қилинади.*

*Пластик карт ҳисоб рақамидаги маблағингизни истаган вақтингизда кўпайтириш ёки пластик картангиз ҳисоб рақамидаги маблағни истаган вақтингизда олишингиз мумкин.*

ШУ БИЛАН БИРГА АТ «ПАХТА БАНК»




**«ЁШ ОИЛАЛАР»** ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртлари **ТАЛАБАЛАРИ** учун имтиёзли пластик картларини таклиф этади. Бунда ушбу пластик карт ҳисоб варағига 18% ва 16% миқдорида даромад тўланади ҳамда у ойлик асосда капитализация қилинади.

Маълум савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида харид этилган маҳсулотларга пластик картлар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга оширилса чегирма (дисконт) берилади.

Бонус лойиҳаси бўйича Сиз савдо шохобчасидан доимий равишда маҳсулот сотиб олсангиз, яъни 10 мартадан ортиқ харид қилсангиз унда тўпланган бонус асосида Сизга ушбу савдо шохобчаси томонидан чегирма берилади.

Агар Сиз пластик картангизга тушган ойлик иш ҳақларингизга ва уларга тенглаштирилган пул маблағларингизга савдо ёки хизмат кўрсатиш шохобчаларида нақд пулсиз харидни амалга оширсангиз банк Сизнинг пластик картангиз ҳисоб варақ қолдиқларига тўланадиган фоиз тўловларига йиллик 4 фоиз ҳисобида қўшимча тўлов билан рағбатлантиради.

**«Пахта банк» пластик картлари — энг қулай тўлов воситаси эканлигини унутманг!**

**«Пахта банк» фаровонлигингиз калитидир!**



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 849
8101 nusxada bosildi
т — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 6
Sotuvda erkin narxda